

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

16 ЙИЛ ЧИҚИШИ.

№ 111 (4102).

7
ИЮНЬ

ШАНБА

1969 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ПАХТАЗОР ХАБАРЛАРИ

ОҚҚУРҒОН. Турсункул Тўлаев бонилик эвено Хамид Олмжон номли колхозда пепи-
қадамлардан саналади. Ёзуа
парварини кун сайин ави ол-
дирилатган шу кунларда эве-
но деҳқонлари уюшқонлик
билан меҳнат қилмоқдалар. Бу
йил ҳар гектар ердан 30 цент-
нердан ҳосил қилиётган эвено
жамлаб иш қилиётган эвено
пахтакорлари ўзани култиваци-
я қилиш билан бир вақтда
минерал ўғит ҳам солимоқдалар.

Х. АХМЕДОВ.

ЯНГИНҒУЛ. Энгелс номли
колхознинг тақрибали пахтазо-
ри Мирза Абиров бошчилиги қи-
лаётган бригада деҳқонлари

беш йилликнинг тўртинчи йили-
да мавжуд 120 гектар майдон-
нинг ҳар гектаридан пайдаги
24 центнер ўринга 28 центнер-
дан «оқ олтин» етиштириш
учун бел боғлаб, ўза парвари-
шини намунали ўтказмоқдалар.

Х. ТОШМАТОВ.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ. Гектари-
дан 40 центнердан «оқ олтин»
етиштириш учун гайрат кўра-
тиб меҳнат қилаётган «Правда»
колхоз деҳқонлари ўза пар-
варини юксак агротехника
қоидалари асосида олиб бор-
моқдалар. Н. Нуридинов, Н.
Милтбоев, А. Қўйилмонов бош-
лиқ бригадаларнинг ўзалари

барқ уриб яшмоқда. Бригада
деҳқонлари бу йил ҳар гектар
ердан 45 центнердан ҳосил
етиштиришга аҳд қилганлар.

Е. ҚОСИМБЕКОВ.

ЎРТА ЧИРЧИҚ. Энгелс
номли колхозда ишбилармон
пахта усталари кўп. Х. Нас-
риддинов бошчилиги қилаётган
эвено деҳқонлари ҳам ана шу-
ндай омилкорлардан саналади.
Эвено пахтакорлари ҳозирги
кунларда ўза парварини
ҳар томонлама уюшқонлик бил-
лан ўтказяптилар. Ўзар бу йил
ҳар гектар ердан олинган
ҳосилни пайдагидан 5—8
центнер ошириш ниятдадилар.

Д. ҲОЖИБЕКОВ.



МОСКВА, 1969 йил 5 июнь. Катта Кремль саройининг Георгий зали. Коммунистик ва ишчи партияларнинг Халқаро кенгаши.

А. Устинов ва Т. Мельник фотоси. («ПРАВДА» ДАН).

КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАР ХАЛҚАРО КЕНГАШИНING ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Шу йил 5 июнь кунин Мос-
квда, Катта Кремль саройида
Коммунистик ва ишчи партия-
ларнинг халқаро Кенгаши
оchild.

Кенгашга қуйидаги 75 ком-
мунистик ва ишчи партиялар-
нинг вакиллари келишди:

Австралия Коммунистик пар-
тияси, Австрия Коммунистик
партияси, Жапон Социалистик
партияси, Аргентина
Коммунистик партияси, Бель-
гия Коммунистик партияси,
Гарбий Берлин бирлашган Со-
циалистик партияси, Болгария
Коммунистик партияси, Боли-
вия Коммунистик партияси,
Бразилия Коммунистик партия-
си, Буюк Британия Коммуни-
стик партияси, Венгрия Соци-
алистик ишчи партияси, Вене-
суэла Коммунистик партияси,
Гантти коммунистларнинг бир-
лашган партияси, Гайана Халқ
прогрессив партияси, Гвинея
Коммунистик партияси, Гвате-
мала Меҳнат партияси, Герма-
ния Коммунистик партияси,
Германия бирлашган Соци-
алистик партияси, Гондурас
Коммунистик партияси, Греция

Коммунистик партияси, Дания
Коммунистик партияси, Домин-
икана Коммунистик партияси,
Исроил Коммунистик партия-
си, Хвандист Коммунистик
партияси, Иордания Коммуни-
стик партияси, Ироқ Коммуни-
стик партияси, Эрон Халқ пар-
тияси, Шимоллий Ирландия
Коммунистик партияси, Ирландия
ишчи партияси, Испания
Коммунистик партияси, Италия
Коммунистик партияси, Канада
Коммунистик партияси, Кипр
Меҳнат халқ прогрессив
партияси, Колумбия Ком-
мунистик партияси, Коста
Рика Халқ авангард партияси,
Куба Коммунистик партияси
(кузатувчи сифатида), Лесо-
то Коммунистик партияси, Ли-
ван Коммунистик партияси,
Люксембург Коммунистик пар-
тияси, Озодлик ва Социализм
партияси (Мароккаш), Мартини-
ка Коммунистик партияси, Мек-
сика Коммунистик партияси,
Монголия Халқ революцион
партияси, Нигерия Маркесчи-
ленгичилари, Никарагуа Соци-
алистик партияси, Норвегия
Коммунистик партияси, Шар-

қий Покистон Коммунистик
партияси, Панама Халқ пар-
тияси, Парагвай Коммунистик
партияси, Перу Коммунистик
партияси, Польша Бирлашган
ишчи партияси, Португалия
Коммунистик партияси, Пуэр-
то-Рико Коммунистик пар-
тияси, Ресублион Коммунистик
партияси, Руминия Коммуни-
стик партияси, Сальвадор Ком-
мунистик партияси, Сан-Мари-
но Коммунистик партияси, Су-
рия Коммунистик партияси,
Совет Иттифоқи Коммунистик
партияси, АҚШ Коммунистик
партияси, Судан Коммунистик
партияси, Туркия Коммунистик
партияси, Туркия Коммунистик
партияси, Уругвай Коммуни-
стик партияси, Финляндия Ком-
мунистик партияси, Франция
Коммунистик партияси, Цейлон
Коммунистик партияси, Чехос-
ловакия Коммунистик партия-
си, Чили Коммунистик партия-
си, Швейцария Меҳнат партия-
си, Швеция Коммунистик пар-
тияси, Шри-Ланка Коммуни-
стик партияси (кузатувчи сифатида),
Эквадор Коммунистик партия-
си, Жанубий Африка Комму-
нистик партияси, яшрини ша-

роитда ишловчи икки партия,
хавфсизлик мулоҳазалари ол-
ган уларнинг номи айтилмади.

Кенгаш қатнашчиларига на-
рата КПСС Марказий Комите-
тининг Бош секретари ўртоқ
Л. И. Брежнев табрик нутқи
сўзлади.

Австралия Коммунистик пар-
тиясининг миллий секретари
ўртоқ Л. Ааронс раислигида
ўтган биринчи мажлисда
Кенгашнинг қуйидаги кун тартиби
бир овоздан тасдиқланди:

1. Ҳозирги босқичда импе-
риализмга қарши кураш вази-
фалари ҳамда Коммунистик
ва ишчи партияларнинг, барча
антиимпериалистик кучларнинг
ҳаракат бirligi.

2. В. И. Ленин тутилган кун-
нинг 100 йиллигига доир ҳуж-
жат тўғрисида.

Кенгашнинг ишчи органла-
ри—секретариат ва редакция
комиссиясига тузди.

Биринчи мажлисда: Венесу-
эла Коммунистик партиясининг
Бош секретари ўртоқ Х. Фариа,
Финляндия Коммунистик пар-
тиясининг раиси ўртоқ А.
Сааринен, Ливан Коммунистик
партиясининг раиси ўртоқ
А. Сааринен, Иордания Коммуни-
стик партияси Марказий Коми-
тетининг биринчи секретари
ўртоқ Ф. Нассар, Эквадор Ком-
мунистик партияси Марказий
Комитети ижроия комитетининг
ва партия Марказий Комитети
секретариатининг аъзоси ўртоқ
Э. Хиль сўзга чиқдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Ўзбекистон ССР Олий Советининг бешинчи
сессияси 6 июнда ўз ишини давом эттирди.
Эрталаб соат 10 да Олий Совет эъси депутат
С. Х. Сирожиқдинов раислигида республика
Олий Советининг учинчи мажлиси очилди. Сес-
сия кун тартибидagi учинчи масала — «Ўзбеки-
стон ССРнинг никоҳ ва била тўғрисидаги кодек-
сининг лойиҳаси тўғрисида» Олий Совет қонун
лойиҳаларини тайёрлаш комиссиясининг раиси
депутат М. Қориев доклад қилди.

Шу масалани муҳокама қилишда депутатлар-
дан Т. Т. Шодиева (406-Чекмўра сайлов округи),
Д. Ешимбетов (455-Шуманай сайлов округи),
З. Исроилова (84-Келес сайлов округи), С. Х.
Пўлатқўзаев (176-Кзаскон сайлов округи), М. П.
Зотова (334-Жеттисай сайлов округи), Т. Рўзиев
(151-«Правда» сайлов округи), Ўзбекистон ССР
Министрлар Совети ҳузуридаги юридик комис-
сия раиси М. С. Восиқова қатнашдилар.

Сессия иштирокчилари томонидан кодекс ло-
йиҳасига киритилган мулоҳаз ва қўшимчалар
Олий Советнинг қонун лойиҳалари тайёрлаш,
фан ва маданият, халқ маорифи, соғлиқни сақ-
лаш ва социал таъминот, ёшлар иши бўйича до-
имий комиссияларнинг сессиянинг танлафус
вақтида биргаликда ўтказилган мажлисларида
қарор қилинди. Манз шу муҳокама натижалари-
ни қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссиясининг
Раиси депутат М. Қориев ўзининг яқунловчи нут-
қида баён қилиб берди.

Олий Совет «Ўзбекистон ССРнинг никоҳ ва
оила тўғрисидаги кодексини тасдиқлаш тўғриси-
даги қонунни бир овоздан тасдиқлади.

Шундан кейин кун тартибига қўйилган тўртин-
чи масалани — Ўзбекистон ССР Олий Совети
тўртинчи сессиясида доимий комиссиялар ҳамда
депутатлар томонидан киритилган тавсиялар ва
таклифларнинг қандай бажарилаётганини муҳо-
кама қилишга ўтиб, Олий Совет Ўзбекистон ССР
Министрлар Совети Раиси депутат Р. Қўрбон-
нинг докладни тинглади ва тегишли қарор қа-
бул қилди.

Кун тартибидagi бешинчи масала — Ўзбеки-
стон ССР Олий Совети Президиуми фармонла-
рини тасдиқлаш тўғрисида республика Олий Со-
вети Президиумининг секретари депутат Р. Са-
хибоев доклад қилди.

Сессия муҳокамасига киритилган фармонлар
бир овоздан тасдиқланди ва Олий Совет тегиш-
ли қонунлар ва қарорлар қабул қилди.

Олий Совет Ўзбекистон ССР Министрлар Со-
вети Раисининг ўринбосари М. Турсиновни таъи-
нли ишлар министри қилиб таъинлаш тўғрисида
қарор қабул қилди.

Депутат П. И. Кавтаров Республика қурилиш
материаллари саноати министри қилиб таъин-
ланганини муносабати билан Олий Совет уни
Олий Советнинг қурилиш ва бинокорлик меге-
риалари саноати доимий комиссияси аъзоси
вазифасидан озод қилди.

Сессия иштирокчилари баланд рух билан ком-
мунистик ва ишчи партияларнинг Москвада бў-
лаётган халқаро кенгашига табриқнома қўйла-
дилар. Еттинчи чакирқ Ўзбекистон ССР Олий
Советининг бешинчи сессияси шу билан ўз иши-
ни тамомлади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ РЕСПУБЛИКАДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ АҲВОЛИ ҲАМДА УНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бутун мамлакатда бўлган каби Ўзбеки-
стонда ҳам аҳолининг турмуш даражаси тўх-
товсиз кўтарилмоқда, ҳар бир шахснинг маъ-
навий ўсиши, ҳар томонлама иқодий ва жис-
моний ривожланиши учун энг яхши шарт-ша-
роит яратиб берилмоқда. Физкультура ва
спорт руҳий бойлигини, маънавий соғлиқни ва
жисмоний намолотини ўзига уйғунлаштириб
муваффақлаштирган совет кишинини тарбия-
лашнинг энг муҳим воситаларидан биридир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Со-
вет давлати физкультура ва спортни янада
ривожлантириш тўғрисида ҳормай-толмай ғам-
хўрлик қилиб келдилар ва ғамхўрлик қила-
птирлар, физкультура ва спорт совет киши-
ларининг турмушга мустаҳкам сингиб кетиши,
халқимиз оммавий тус олгани, халқни со-
ломлаштиришга, самарали меҳнатга ва соци-
алистик Ватанини қўриқлашга тайёрлаш йўлида
хизмат қилиши учун кенг имкониятлар очиб
бердилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Коми-
тети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети
жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлан-

тириш тўғрисида яқинда қабул қилган қарори-
да аҳолини жисмоний тарбиялашни яхшилаш,
янгил спорт базалари қуриш юзасидан жуда
катта тадбирларни белгилади.

Оммавий физкультура ва спортни ривож-
лантириш, физкультура ҳаракатига раҳбар-
лиқни яхшилаш, унинг моддий-техника база-
сини мустаҳкамлаш, физкультура кадрлари
ва жамоатчи инструкторлар тайёрлаш бораси-
да қийинчи йилларда республикада кўп
ишлар қилинди. Бир қанча корхоналарда иш-
лаб чиқариш гимнастикаси кун тартибидан
мустаҳкам ўрин олди, колхозлар ва совхоз-
ларда физкультура йил бирмунча юқолди.

Умумий таълим мактабларида, ҳунар-тех-
ника билим юрталарида ва олий ўқув юрталарида
физкультура ва спорт ишлари сезиларли ра-
вишда яхши йўлга қўйилди.

Бир қанча миноистрликлар ва идоралар, меҳ-
наткашлар депутатлари Советлари, корхона-
лар ва совхозларнинг раҳбарлари жисмоний
тарбия ва спортни ривожлантиришга кўпроқ
эътибор бермоқдалар. Қўпгина илгор кол-
хозлар, совхозлар ва саноат корхоналари ўз

маблагларини сарфлаб спорт комплекслари ва
иншоотлари қурмоқдалар.

Республика спортчиларининг маҳорати ҳам
ошиб бормоқда. 1967 ва 1968 йилларда ўткази-
лган республика ва Бутуниттифоқ мусоба-
қаларида республика спортчилари спортнинг
айрим турларида яхши натижаларга эришганли-
кларини кўрсатдилар. Спортчилар спар-
таинаданинг 3 рекордини қўйдилар ҳамда
55 та олтин, кумуш ва бронза медаллар
олишти муваффақ бўдилар. Халқаро классга
эга бўлган 10 та СССР спорт мастери, 330 та
спорт мастери ва 8200 дан кўпроқ биринчи
разрядли спортчи тайёрланди.

Бироқ, республикада физкультура ва спорт-
ни ривожлантириш даражаси ҳозирги замон
таалабларидан ҳали ҳам анча орқада қолмоқда.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Со-
вети, баъзи область ижроия комитетлари, қўп-
гина район ва шаҳар ижроия коми-
тетлари, Ўзбекистон ССР Министрлар
Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт
комитети, Ўзбекистон ССР Маориф ми-
нистрлиги, Олий ва ўрта махсус таълим ми-

нистрлиги, Соғлиқни сақлаш министрлиги,
Қишлоқ ҳўжалиқ министрлиги, Ўзбекистон
ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника
таълимни давлат комитети ҳамда республика
нинг бошқа бир қанча министрликлари ва идор-
алари физкультура ва спортнинг меҳнаткаш-
лари коммунистик руҳда тарбиялашдаги
ролига етарли аҳамият бермаётирлар. Иш-
нинг бу муҳим соҳаси билан қўнқарли шу
гулланмаётирлар. Республикада бутун аҳоли-
нинг фақат 19 процентини физкультура
ва спортнинг актив машғулотларига тортил-
ган, холос. Бу кўрсаткичлар Самарқанд об-
ластида 17 процент ва Қашқадарь областида
18 процент бўлиб, айниқса пасайиб кетган.

Умумий таълим мактабларида физкультура
ва спортнинг таъинли этилиши ўсиб бораётган
таалабларга жавоб берарли даражада эмас.
Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги, Ўзе-
бекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги
Физкультура ва спорт комитети ҳамда улар-
нинг жойлардаги органлари ўнвучиларда фзи-
культура ва спорт машғулотларига унчалик
ҳавас туғдирмаётирлар, болалар-ёшлар спорт

мактабларининг фаолиятига қўнқарли ра-
вишда контроль ва раҳбарлик қилмаётирлар.

Республиканинг олий ўқув юрталарида жис-
моний тарбия ишлари тузуки олиб борила-
птир. Студентларнинг ҳаммаси ҳам физкуль-
тура ва спорт машғулотларига тортилган, деб
бўлмайди. Олий ўқув юрталари юқори малака-
ли спортчиларни кам тайёрламоқдалар.

Қўпгина корхоналар, колхозлар, совхозлар
ва муассасаларда ишлаб чиқариш гимнастика-
си кун тартибидан ажралмас қисмига, меҳнат
унумдорлигини оширишнинг, меҳнаткашлар
соғлиқини мустаҳкамлашнинг муҳим воситаси-
га ҳали ҳам айланттирилгани йўқ.

Аҳолини жисмоний тарбиялашда корхона-
лар ва муассасаларнинг қўнқилиги икки кун
дан олинандиган беш кунлик иш ҳафтасига ўт-
казилганлигидан етарли фойдаланилмаётир,
ваҳоланки беш кунлик иш ҳафтаси актив дам
олишни физкультура билан қўшиб олиб бо-
риш учун кенг имконият беради.

Қишлоқлардаги физкультура ва спорт иши-
ни жиддий равишда яхшилаш керак.

(Охири иккинчи бетда).

